



КИЧИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОРХОНАЛАРИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ ВА УНИНГ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ БИЛАН ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ

Насруллаев Феруз Фурқатович

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

ORCID: 0009-0006-3951-0739

feruz.nasrullayev@bk.ru

Аннотация. Ушбу мақолада кичик хизмат кўрсатиш корхоналар ишлаб чиқаришининг рақобатбардошлигини ошириш ишлаб чиқаришининг чекланган омилларидан оқилона фойдаланиш йўли билан олдинга қўйилган мақсадларга эришиш учун зарур бўлган ҳамда унинг ички ва ташқи хатти-ҳаракатни белгилаб берувчи корхона фаолияти ва ривожланишининг асосий йўналишлари бўйича ўзаро келишилган қарорлар, инновацион ривожланиш ва ҳаракатлар йиғиндиси ёритилган.

Калит сўзлар: кичик хизмат кўрсатиш корхоналари, рақобат, инновация, инновацион ривожланиш, инновацион фаолият, иқтисодий баҳолаш, инновацион инфратузилма, инновацион лойиҳа.

ПОВЫШЕНИЕ КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ МАЛЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ СФЕРЫ УСЛУГ И ЕЕ ВЗАИМОСВЯЗЬ С ИННОВАЦИОННЫМ РАЗВИТИЕМ

Насруллаев Феруз Фурқатович

Самаркандский институт экономики и сервиса

Аннотация. В данной статье необходимо повысить конкурентоспособность продукции малых предприятий сферы услуг за счет рационального использования ограниченных факторов производства, а также взаимосогласованных решений, инновационного развития и действий по основным направлениям деятельности и развития предприятия, которые определяют освещено его внутреннее и внешнее поведение.

Ключевые слова: малые предприятия сферы услуг, конкуренция, инновации, инновационное развитие, инновационная деятельность, экономическая оценка, инновационная инфраструктура, инновационный проект.

INCREASING THE COMPETITIVENESS OF SMALL SERVICE ENTERPRISES AND ITS RELATIONSHIP WITH INNOVATIVE DEVELOPMENT

Nasrullaev Feruz Furkatovich

Samarkand institute of economics and service

Annotation. In this article, it is necessary to increase the competitiveness of products of small service enterprises through the rational use of limited factors of production, as well as mutually agreed upon decisions, innovative development and actions in the main areas of activity and development of the enterprise, which determine its internal and external behavior.

Keywords: small service enterprises, competition, innovation, innovative development, innovative activity, economic assessment, innovative infrastructure, innovative project.

Кириш.

Рақобатбардошлик – бу товар, хизмат, корхона, саноат, савдо, минтақа, мамлакат миқёсида шаклланадиган бозор муносабатларидаги асосий иқтисодий категориялардан бири бўлиб, умуман олганда, бошқа аналоглар билан рақобатлашиш қобилияти кўринишида ифодаланади. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг барча таъсис этувчи субъектлари манфаатлари ўзаро яқинлашиб, ривожланаётган бозор майдонида қатнашади, барча хўжалик юритувчи субъектларнинг самарали бизнес ва тижорат фаолияти учун қулай шарт-шароитларни таъминлайдиган энг ишончли рақобатбардош позицияларга эга бўлган ҳудуд рақобат муҳитини яратади.

Рақобатбардошликни оширишнинг замонавий назариялари муайян тармоқ ва унинг хўжалик юритувчи субъектлари фаолиятини шарт-шароитларни мунтазам ҳисобга олиш, улар олдида турган вазифаларни англаб етишга асосланади. Бу эса, ўз навбатида, ўсиш стратегиясининг тармоқнинг барқарорлиги, талабларга жавоб берувчи иқтисодий натижалар ва унинг иқтисодий ўсишини таъминловчи вариантини танлашни белгилаб берувчи турли-туман ривожланиш назарияларининг пайдо бўлишига олиб келади.

Ҳар бир тармоқ рақобатбардошликни оширишнинг тез ўзгарувчан бозор муҳити шароитида самарали ривожланишга ёрдам берувчи стратегиясини ишлаб чиқиши лозим. Ҳозирги вақтда ўзгаришлар тезлиги шунчалик юқорики, ишланмаларнинг анъанавий усуллари такомиллаштиришни талаб этади. Тармоққа ҳозирги ва келгуси ўзгаришларга мослашиш имконини берувчи мослашувчан тизимни шакллантириш имкониятини тақдим этувчи усуллар зарур.

Маълумки, кичик хизмат кўрсатиш корхоналар ишлаб чиқаришининг рақобатбардошлиги мураккаб иқтисодий категорияни ўзида намоён этади.

Адабиётлар шарҳи.

Видяпина ва Степанова (2007) фикрича Минтақанинг рақобатбардошлик позицияси рақобатбардош устунликлари уйғунлиги сифатида тушунилади, бу эса тегишли рақобатбардош соҳада (товар ва хизматлар бозори, капитал, инвестициялар) минтақа учун қулай мавқега эга омиллар ва шартлар билан белгиланади.

Морозовой (2008) фикрича Иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида юзага келадиган инвестициялар учун ҳудудий танловни жадаллаштириш ва аҳолининг талаб даражаси ўсиши ҳудудий рақобатбардошликнинг характери ва иқтисодий мазмунини ошқор қилиш бўйича талабларни кучайтиради. Шу билан бирга, минтақанинг иқтисодий жараёни сифатида рақобатбардошлиги турли хил шароитларда таъсир кўрсатадиган мураккаб ва қарама-қаршилик ҳаракатларининг уйғунлиги ҳисобланади: ишлаб чиқаришнинг омилли шароитлари (минтақани хомашё билан таъминлаш, малакали кадрлар, ишлаб чиқилган моддий ва инновацион инфратузилма); хўжалик юритишнинг умумий шароитлари (моддий ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантириш, иқтисодий хавфсизлик, асосий воситаларнинг амортизация даражаси ва бошқалар); минтақанинг асосий тармоқлари маҳсулотларига талаб омиллари; ижтимоий; ижтимоий-маданий; ташкилий-ҳуқуқий; инновацион шароитлар деб таъкидлаган.

Кистанов (2004) фикрича XX асрнинг янги иқтисодий тенденциялари билан боғлиқ равишда ҳудудларнинг рақобатбардошлиги минтақавий ривожланишнинг мустақил назарий ва амалий муаммолари сифатида кўриб чиқилади.

Сепикни (2005) фикрига кўра, қуйидаги омиллар минтақавий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш учун асосий кучдир: кластерлар; инсон капитали; мавжуд бўлган корхоналар ва тармоқлар; минтақавий инновацион тизимлар; бошқарув ва институционал салоҳият; корхоналарнинг саноат тузилиши ва тури; инфратузилма; вилоятларнинг урбанизация даражаси ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашув

даражаси; тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг халқаро алоқаси ва табиати; географик жойлашув; инвестицияларнинг жозибadorлиги деб таъкидлаган.

Кофнер (2012) фикрича “Янги иқтисодиёт”нинг жадал ривожланиши, капитал бозорлари ва янги технологияларнинг ўзаро алоқалари ўсиб бориши, янги технологияларнинг ҳаракатланиш даражасини кучайтириш, билим, технология, маҳсулотлар, хизматларни яратиш ва улардан фойдаланишнинг кенг қўламлилиги инновацион тизимларнинг инфратузилмаси мамлакатларнинг рақобатбардош ривожланиши учун асос бўлиб хизмат қилишини шартлаб берди.

Расулев, Тростянский, Исламоваларнинг (2015) фикрича Жаҳон тажрибаси ва амалиёти шуни кўрсатадики, ишлаб чиқариш корхоналарида барқарор иқтисодий ўсишга эришиш учун уни тўғридан-тўғри ва билвосита бошқариш орқали давлатнинг инновацион жараёнда ролини фаоллаштириш лозим.

Тадқиқот методологияси.

Кичик хизмат кўрсатиш корхоналари рақобатбардошлигини ошириш ва унинг инновацион ривожланиш билан ўзаро боғлиқлиги мавзусидаги илмий мақолада илмий тадқиқотларни ўрганиш, қиёсий солиштириш, статистик маълумотларни ўрганиш ва иқтисодий жиҳатдан таққослаш ва таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш, илмий абстракциялаш, маълумотни гуруҳлаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция усулларида кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Бугунги кунда ишончли рақобатбардош позициялари ва уларнинг рақобатбардошлигини ошириш минтақавий иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши учун муҳим шартлар бўлиб қолмоқда. Шу билан бирга, рақобатбардошлигини ошириш нафақат унинг иқтисодиётини ривожлантириш воситаси, балки ўз халқининг ҳаёт даражаси ва сифатини оширишнинг муҳим омили сифатида ҳам эътироф этилади.

«Минтақанинг рақобатбардошлиги» концепциясининг турли таърифларини қиёсий таҳлил қилиш натижалари шуни таъкидлаш мумкинки, муаллифлар формулалар ичида кўпинча қуйидаги категорияни ажратиб кўрсатадилар: масалан, қобилият:

вилоят аҳолиси учун юқори турмуш даражасига эришиш;

аҳоли жон бошига нисбатан ялпи ҳудудий маҳсулотга эришиш;

минтақанинг иқтисодий салоҳиятини рўёбга чиқариш;

минтақавий хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг муайян соҳаларида рақобатбардош устунликларини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш;

минтақанинг инвестицион жозибadorлигини ошириш;

бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар ва хизматлар ишлаб чиқариш.

Минтақадаги товар ва хизмат ишлаб чиқарувчиларга рақобатбардош афзалликларни аниқлаш тадқиқотга бағишланган бўлиб, унда беш турдаги афзалликлар мавжуд: ресурс, технология, инновацион, глобал ва маданий. Шу билан бирга, ишлаб чиқарувчининг рақобатдош афзаллиги - бу бутунлай қиймати (умуман, қиймати), унинг иштироки иқтисодий айирбошлашда истеъмолчи таъсирини яратиш ва даромад олиш имконини беради. Ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардош устунликлари нафақат табиий ресурсларнинг мавжудлиги, балки уларнинг арзонлиги ва улардан фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар, транспорт-коммуникация турларига, инфратузилмага қулайлик яратиш, шунингдек, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг нарх кўрсаткичлари мамлакат ҳукумати томонидан яратилган солиқ ва бюрократик режимлар, шунингдек, паст фоиз ставкалари, яъни арзон сармоя.

Глобал чақириқларга жавоб тариқасида юзага келган айнан мана шу кескин жараёнларсиз бошланғич инновация бўғинлари, инновация фаолияти субъект ва

объектларини ягона яхлит инфратузилмаси тизимга уйғунлаштириб бўлмас эди. Дастлабки шарт-шароитлар сифатида: тизимли таълим (технологик занжирлар, малакали кадрлар захираси ва ҳ.к.), тармоқли технологиялар, ягона ахборот макони, ягона иқтисодий ва ҳуқуқий муҳит, миллий миқёсга эга йирик лойиҳалар, давлатнинг интеграцияловчи роли, инновацион хизматлар ва бошқалар шаклланди. Бироқ бундай боғловчи, тизим ташкил этувчи омиллар фақат қўйидаги шарт-шароитлар мавжуд бўлсагина, самарали фаолият юрита олади:

инновация жараёнини йўлга қўйиш учун етарлича технологик ва интеллектуал салоҳият;

инновация тармоқлари иштирокчилари сони, шу жумладан, унга янги ижтимоий гуруҳларнинг жалб этилиши натижасида, мунтазам ўсиб бориши;

инновацияли ривожланишга йўналтирилган институционал тизим (ҳам расмий, ҳам норасмий унсурларни ўз ичига олган ҳолда);

кўп сонли кичик хизмат кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектлар, жисмоний шахслар ва умуман миллий иқтисодиёт томонидан инновацияларга талабнинг ортиши;

инновация тизимини етарли даражада молиялаштириш имкониятига эга иқтисодий ривожланиш (ЯИМ, хусусан аҳоли жон бошига).

Мана шу барча талабларнинг бажарилиши, дастлабки тизимли шарт-шароитларнинг мавжудлиги, инновацияли ривожланиш муаммоларини назарий жиҳатдан тушуниб етиш миллий инновацион тизимнинг миллий чегаралар доирасида, яъни айнан етакчи тармоқлар, кичик ва йирик корхоналар, университетлар, лаборатория, инкубаторлар ва инновацион жараёнларни таъминлаб берувчи молиявий ва ижтимоий тавсифга эга институтлар мажмуи доирасида илмий билим ва технологияларни яратиш ҳамда тижоратлаштириш билан банд узвий боғлиқ ташкилотлар (тузилмалар) мажмуи сифатида юзага келиши ва ривожланишига ёрдам берди.

Миллий инновацион тизим мафқураси Европа Иттифоқига (ЕИ) аъзо мамлакатларнинг катта қисмида, АҚШ ва Японияда айниқса кенг тарқалган. Бироқ ҳозирги вақтгача МИТ тушунчасининг ягона таърифи мавжуд эмас. МИТни шакллантиришга ягона бир назарий ва услубий ёндашувлар ҳам ишлаб чиқилмаган. Шунингдек, турли мамлакатларда миллий инновацион тизим (МИТ) олдида турли мақсадлар қўйилиши ҳам мумкин. Масалан, Францияда МИТ мақсади иқтисодиётнинг юқори технологик тармоқларида қўшимча иш ўринларини яратишдан, Германияда эса – рақобатбардош технологияларни ривожлантиришдан иборат.

МИТ (Миллий инновацион тизим) асосини яратувчи миллий иқтисодиётнинг таянч бўла оладиган соҳалари қаторида қўйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

билимларнинг юзага келиши (фан ва бошқа соҳаларда унинг бўғинлари);

билимларни оммалаштириш ва кенг миқёсларда қўллаш (тадқиқот ва ишланмалар, товар ва хизматлар ишлаб чиқариш);

янгиликларни тижоратлаштириш (фан-техника маҳсулотлар бозори, бозор институтлари);

таълим тизими ва кадрларни инновацион тадбиркорликга тайёрлаш;

инновацион хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар, шу жумладан молиявий таъминот;

бошқарув ва тартибга солиш (ҳуқуқий база, давлат макроиқтисодий ва инновация сиёсати, давлат-хусусий шерикчилиги, кластер бошқаруви, бозор механизмлари ва б.).

Мазкур соҳаларнинг корхона ва ташкилотлари, унинг қўйи тизимлари, бўғинлари ва уларнинг ўзаро алоқалари, яъни миллий инновацион тизим тузилмасини ташкил этган ҳолда, инновационлик ва креативлик даражасига боғлиқ равишда тўлиқ ёки қисман МИТ таркибига киритилади.



1-расм. Ривожланган мамлакатларда миллий инновацион тизимнинг тузилиши

Манба: муаллиф ишланмаси.

1-расмда ривожланган мамлакатлардаги МИТ моделларининг ўзига хос жиҳатларини умумлаштирувчи тузилманинг шартли схемаси келтирилган.

Қайд этиб ўтилган элементларнинг ўзаро муносабатларини тавсифлаб берувчи мазкур модель хусусий (тадбиркорлик) секторнинг роли йирик корпорацияларнинг ва фан сиғими юқори кичик фирмаларнинг илмий марказларидаги хусусий тадқиқотлар ва ишланмалар асосида технологиялар яратиш ҳамда инновацияларни бозор мақсадларида ўзлаштиришдан; давлатнинг роли эса – фундаментал билимларни (университетларда) ва юқори технологиялар мажмуини қарор топтиришда, шунингдек, инновация фаолияти учун хизмат кўрсатиш инфратузилмаларини ҳамда мақбул институционал муҳитни яратиб беришдан иборат эканини кўрсатади.

Мана шу умумий модель доирасида МИТнинг миллий хусусиятлари шаклланади. Улар айтиб ўтилган вазифаларнинг бажарилишида давлатнинг ва хусусий секторнинг тутган ўрни, фундаментал, амалий тадқиқот ва ишланмалар нисбатида йирик ва кичик бизнеснинг роли, инновацион фаолият тармоқ ва минтақавий тузилмаларининг ривожланиш динамикаси орқали намоён бўлади.

Иновацион хизмат кўрсатиш инфратузилмаси МИТ фаолиятига фаол таъсир кўрсатади. Ривожланган мамлакатлардаги инновацион жараёнларнинг таҳлилидан маълум бўлдики, кенг инновацион фаоллик айнан хизмат кўрсатиш инфратузилмасини самарали фаолияти билан узвий равишда амалга оширилган экан.

Тадқиқотда инновацион инфратузилма деганда инновацион маҳсулотлар ва хизматлар бозорини тўлақонли фаолият юритишини таъминлайдиган субъектлар, ресурслар ва воситалар, моддий-техник, молиявий, ташкилий-услубий, ҳуқуқий, ахборот, консалтацион хизматлар мажмуасини тушуниш мумкин.

Замонавий шароитларда инновацион хизматлар бозори деярли барча ҳудудларда мавжуд бўлиши кўзда тутилади, шу билан бирга, одатда инновацион хизматлар илғор технологиялар, техника ва ускуналар, ёндошувларни ўзида мужассамлаштиргани сабабли улар инновацияларга тўлов қобилиятига эга талаб юқори бўлган муҳитда кенгроқ таркиб топади. Шу нуқтаи назардан муаллифнинг фикрича турли ҳудудларда инновацион хизматлар бозорининг ривожланганлик даражаси кўп ҳолларда мазкур ҳудуд иқтисодиёти, хусусан унинг хизмат кўрсатиш секторининг ривожланганлик даражасига мутаносиб эканлиги кузатилади.

Ҳудуддаги кичик хизмат кўрсатиш корхоналар ишлаб чиқаришида инновацион инфратузилманинг ривожланиш даражаси ва самарали фаолият юритиши кўп жиҳатдан зарур инфратузилманинг яратилганлиги билан боғлиқ. Тадқиқотда инновацион хизматлар инфратузилмаси деганда инновация маҳсулотлар ва хизматлар бозорини тўлақонли фаолият юритишини таъминлайдиган субъектлар, ресурслар ва воситалар, моддий-техник, молиявий, ташкилий-услубий, ҳуқуқий, ахборот, консалтацион хизматлар мажмуасини тушунилиши асосланган.

Республикамизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар кичик хизмат кўрсатиш корхоналар ишлаб чиқариши рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш, экспорт ҳажмини барқарор ошириш ва унинг таркибида ижобий ўзгаришларга эришишда энг муҳим омилга айланди.

Бундай шароитда кичик хизмат кўрсатиш корхоналар ишлаб чиқаришида инновацион жараёнларни тартибга солишда давлатнинг роли муқаррар бўлиб қолмоқда.

Хулоса ва таклифлар.

Хулоса қилиб айтганимизда мамлакатимиз кичик хизмат кўрсатиш корхоналарининг асосий муаммолари биринчи навбатда моддий ва техникавий таъминотда маълум қийинчиликларга дуч келмоқдалар: маҳаллий ишлаб чиқарувчилар корхоналар эҳтиёжларига жавоб берадиган кичик ва ўрта ўлчамли ускуналарни етарли даражада ишлаб чиқармайдилар, мавжуд лизинг компаниялари тўлиқ эҳтиёжни қондира олмаяптилар.

Иккинчидан, хўжалик юритувчи кичик хизмат кўрсатувчи корхоналар етарли даражада ўз молиявий салоҳиятларига эга эмаслар ва кредит олиш имкониятлари чекланган. Бунинг сабаби, хўжалик юритиш субъектлари кредит бериш шартларига ёки тегишли банкларнинг кредит ресурсларидан самарали фойдаланишга тайёр эмаслар.

Учинчидан, ахборот ва маркетинг хизматларининг даражаси талабга жавоб бермайди: ишлаб чиқарувчиларга ноу-хау, муҳандислик, технология ва умуман хизмат кўрсатиш корхоналари маҳсулотлари бозорларидаги маълумотлар етарлича эмас, солиқ, божхона, кредит тизимларида бўлаётган ўзгаришлар ҳақидаги маълумотлар ўз вақтида амалга оширилмайди.

Тўртинчидан, кичик хизмат кўрсатувчи корхоналар учун инновация хизматлар инфратузилмаси, шу жумладан, кам ривожланган технологиялар трансфери марказлари, инновацияларни тижоратлаштириш бўйича тренинг, консалтинг, суғурта ва бошқа хизмат турлари етарли даражада ривожланмаган.

Шундай қилиб, инновацион жараёнлар учун яратилган имкониятлар таъсири остида хизматлар ишлаб чиқаришнинг рақобатбардошлиги, ўз навбатида, айрим ҳудудларнинг иқтисодий ривожланиш ҳолати ва истиқболига сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Ҳозирги вақтда инновацион фаолият кичик хизмат кўрсатиш

корхоналар ишлаб чиқариши ва минтақавий ривожланишнинг ажралмас қисмига айланиб бормоқда ва бунинг натижасида иқтисодий муносабатларнинг янги механизмлари шаклланмоқда.

Адабиётлар:

Видяпина В.И., Степанова М.В. (2007) Региональная экономика. – М. : ИНФРА-М, 344с.

Кистанов В.В. (2004) Региональная экономика России. - М.: Финансы и статистика, с.342,

Кофнер Ю.Ю. (2012) Становление новой экономики в России-зарубежный опыт и национальная стратегия. Патент-Евразия № 2(3).

Морозовой Т.Г. (2008) Региональная экономика. -М.: ЮНИТК.

Расулев А.Ф., Тростянский Д.В., Исламова О.А. (2015) О возможности развития инновационного потенциала и тенденции инновационной активности предприятий промышленности. –Т.: Иктисод ва молия. №7., 10.с

Сепик Д. (2005) Индикаторы конкурентоспособности регионов: Европейский подход // Регион: экономика и социология. с.234.